



ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

РИГА. 8 апрель. (ЎзА махсус мухбири
Ливар БОБОЕВ хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Латвия Республикасига давлат ташрифининг иккинчи куни Рига Думаси раиси-шаҳар мэри Г.Боярс билан учрашувдан бошланди.

Ислам Каримов Рига Думасининг фаолияти билан яқиндан танишди. Ташкилот ва Рига шаҳарлари ўртасидаги иқтисодий, маданий, илмий-техникавий соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислам Каримов Г.Боярс ҳамроҳлигида "Кронвольда" боғига келди. Риганинг энг сўлим гўшаларидан бўлиши ушбу боғда буюк аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек ҳайкалининг (ҳайкал муаллифи - Ўзбекистон халқ рассоми Р.Миртожиев) расмий очилиш маросими бўлди.

Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради.

Президент Ислам Каримов маросимда сўзга чиқиб, Латвия заминидан ўзбек халқининг буюк сиймолари, маданий, илмий қадриятлари эъзозлангани учун латиш халқига ва ҳукуматига миннатдорлик изҳор этди. Рига шаҳрининг марказида буюк бобомиз Мирзо Улуғбек ҳайкалининг ўрнатилиши икки халқ, икки мамлакат ўртасида тобора мустақамланиб бораётган дўстона муносабатларнинг ўзига хос тимсоли бўлиб қолажаклигига ишонч билдирди.

Ислам Каримовнинг Латвия Республикаси Сейми (Парламенти) Раиси И.Удре билан учрашувда Ўзбекистон билан Латвия қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқаларни мустақамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Президентимизнинг Латвия Республикаси Бош вазир И.Эмисе билан ўтказган музокараси мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий, савдо-саноат, транспорт алоқаси, маданий ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалаларига бағишланди. Ташриф чоғида имзоланган ҳужжатлар ушбу ҳамкорликни ривожлантиришда, муносабатларимизни мазмунан янада бойитишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Шу кун И.Эмисе билан Латвия Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Латвия Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

(ЎзА)

ЯХШИ ЮРТНИНГ ҚЎРИҚЧИСИ — ХАЛҚ



— Юрти тинчнинг ўзи тинч, — дейишмоқда ўзига турли миллат вакиллари бирлаштириб, аҳил, баҳамжиҳат яшаётган пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги Аҳмаджон Назаров номли маҳалла аҳли. (Бу ҳақдаги мақолани газетамизнинг 4-саҳифасида ўқийсиз).

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ОЛДИДАН

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти (ФЖИ) ташаббус кўрсатиб "Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг 2004 йил сайлов кампаниясидаги тактикаси мавзусида" Тошкентда семинар-тренинг ташкил этди

Мазкур анжуманини очган институт директори, юридик фанлари доктори Аъзамжон Раҳмонов янги ташкил этилган ФЖИнинг мақсад ва вазифалари ҳақида йиғилганларга қисқача ахборот бериб, ўз атрофида фуқаролар жамияти асосларининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини таҳлил этувчи йirik олимлару тадқиқотчиларни бирлаштирганини кайд этди. Шу билан биргаликда семинарнинг ташкил этишдан қўлланган асосий мақсадга ҳам йиғилганларнинг эътиборини жалб этди.

Шундан сўнг Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партияларнинг тақдироти бўлиб ўтди. Унда партиялар раҳбарлари ҳозирги фаолиятлари хусусида сўз юритиб, мазкур талбирнинг бўлажак сайловлар олдида ҳар бир партия ҳаётида алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон "Адолат" СДП номида партия Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлисдаги партия фракциясининг раҳбари, академик Турғунўлат Даминов сўзга чиқди.

Семинар-тренинг кун бўйи иш олиб борди. Унда "2004 йил Ўзбекистон сайлов кампаниясининг хусусиятлари", "Сайлов кампаниясидаги

ниёсида голиб чиқишнинг асосий омиллари", "Сайлов кампаниясидаги штаби ва унинг тузилиши", "Сайлов кампаниясини молиялаштириш", "Депутатликка номзоднинг асосий ҳужжатлари", "Сайлов кампаниясини ўтказишдаги энг кўп хатолар" каби мавзулар бўйича катнашчилар олдида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Сайёра Хўжаева, ФЖИ етакчи илмий ходимлари ва экспертлари Хайрулла Рўзметов, Комилжон Одилов, Дилором Тошмуҳамедова (Ўзбекистон

тош "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши котиби), Шухрат Расулов, Саъдулла Тожиев, Раъшан Хайдаров (Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши котиби), Ойбек Жумаев, Файзулла Мўминов ва бошқалар чиқишлар қилишди. Мазкурлар юзасидан муҳокама-ларда партиянинг вакиллари ҳам қизгин иштирок этдилар. Ўз навбатида ҳар томонлама фойдали бўлган бу анжумани янада чуқурлаштириш юзасидан тақлиф ва муҳолазалар ҳам билдирди. Семинар-тренинг сўнггида бари иштирокчиларга ФЖИнинг махсус сертификатлари топширилди.

Рустам ДОСТОН,
"Адолат" мухбири

ТИНЧЛИК МАДҲИ

(Ўзбекистон телевидениеси орқали
Республикамиз Президентини Ислам Каримовнинг
халққа мурожаатини тинглаб)

Инсоннинг иқболи яхши ниятдан,
Эзгу аъмолию хуш кайфиятдан.
Фақат тинчлик равиш қелтиради, бас,
Боғбони бўлмаса, бўстон яшнамас.
Қуёш нур сочмаса унайми гилёх,
Тотув яшаш шарт бўлмоқлик оғох.
Халқимизга Юртбоши бўлиб раҳнамо
Ватан камолига ғамхўр доимо.
Унинг ҳар қалами иқбол доиси,
Ижобат бўлгандир одил ғояси.
Эл-юртни ҳамиша олдинга бошлар,
Нечук кўра олмас юраси тошлар?!
Оғохлик давлатини мудом ёқлаймиз,
Нодон-ғумроқлардан ўзни сақлаймиз.
Улуғнинг ичидан яхшилар бисёр,
Осийиш ҳаётини бузган бўлсай хор.
Ҳурлик душманидир қора шарпалар,
Уларни адолат кучи парчалар.
Элим деган зотнинг дилида зўғ,
Озод Ватанимни олқишлар дунё!
Ёрқин келажакка етаклар бизни,
Яратган қўлларини Юртбошимизни.

Абдуғани СУЛАЙМОН

ОСОЙИШТАПЛИК — ОПИЙ НЕЪМАТ

Шу йил 28-30 март кунлари мустақил мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида қатор террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Бу воқеалар натижасида бир неча ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамда тинч аҳоли вакиллари қурбон бўлди ва турли даражада тан жароҳати олд. Бўлаб ўтган муҳим воқеалар бутун республикамиз аҳолисининг қаҳр-ғизабини уйғотди. Жумладан, Қашқадарё воқеаси аҳли ҳам террорчилик ҳаракатларини содир этган жиноятчиларни кескин қораламоқда. Муҳимирим жойларда бўлиб шу йўналишда ўтказилган тадбир иштирокчилари билан учрашди. Уларнинг фикрларини қозғога таштирдик.

Абдулла АБДУНАЗАРОВ — Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгашининг биринчи котиби, "Ўзбурғунейтгаз" акциядорлик компанияси бош директори ўринбосари:

— Тошкент шаҳридаги террористик ҳаракат ва Бухоро вилоятининг Ромитон туманидаги портлашнинг амалга оширган қабиҳ ниятлар шаллар мустақиллигимизга, тинчлигимизга таҳдид солиш, одамларни қўрқитиш, саросимага туширишга интилиши ва шу йўл билан вазиятни издан чиқаришга ҳаракат қилишди. Аммо ниятларига ета олмадилар. Шундай агар уларга қарши барчамиз бирикиб курашсак, бизни ҳеч қандай куч енга олмайд.

Халқимиз "Ножўя ўйин — синдиран бўйин, ёмонлик — қоронғуликка етаклайди", деб бежиз айтмаган. Одамларнинг бир-биридан фарқи шундаки, биров ҳаётга қўйилган келатган беради. Бошқа биров эса, ҳеч нарса бермасдан фақат олади. Мен узоқ йиллик ҳаётим тажрибамдан биланманки, яхши юртининг қўриқчиси — халқ. Мустақиллигини тута билмаганлар эса душманига ов бўлади.

Терроризм бутун бир қанча оилалар бошига қулфат келтирди. Амминанки, бу жиноятга қўл урганлар, албатта жазосини олади. Биз олдимизга қўйган эзгу мақсадларимизга эришиш учун авваламбор тинчликнинг қадрига етишимиз лозим. Муқаддас Ватанимиз ва халқимизни ёвуз ниятди кишилардан муҳофаза қилишга астойдил деб боғлашимиз керак.

Хушёрлар паналаб юрган тулкини ҳам қўради. Шундай экан, барчамиз бир тану, бир жон бўлиб, Президентимиз атрофида жипслашмоғимиз даркор. Токи, мустақиллик шариоатида бошланган барча хайрли ишларимизни поёнига етказайлик. Ўзбекистонимизни дунё халқлари орзу қиладиган буюб-бўстонга айлантирайлик. Барча соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини берсин.

Абдул ТЕМИРОВ — Олий Мажлис депутаты, Шаҳрисабз туманидаги "Дон — халқ ризқи" очик ҳиссасдорлик жамияти раиси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси аъзоси:

— Бўлбўлга олтин қафасдан қўра, олдий гул яхши, дейди машоихларимиз. Қарагин, олдий қўша ҳам мустақиллик керак. Нета айрим фуқароларимиз буни тўла англаб етмайпти, экстремистик гуруҳлар турга тушиб қоляпти. Наҳотки, улар оёқни йўлга бошловчи бую эканлигини билмасалар. Ахир террорчилар ўз халқига хиёнат қилган оқдлар эмасми?

Террорчилик ҳужури бутун қўшнлик қатори жамоамизда ҳам қабиҳ ниятди кишиларга нисбатан қўлди нафратини уйғотди. Улар ҳеч қачон ниятларига эриша олмайдилар. Одамлар қалбига гулгулла солишини мақсад қилган, ўз мақсадларини, ватандошнинг умрига зомин бўлаётган, юртининг тузини еб, тузини тупураётган булай хон, ватанфрушлар вақти келиб ўз қилмишларига яраша жазо олишлари аниқ.

Мамат ЖУРАЕВ — Чирочик тумани қишлоқ хўжалик касб-хушар коллежи директори:

— Халқ тинчлигини бузган омон қолмайди. Орзунинг ижобати — тинчликда. Дарҳақиқат, халқимиз тинчлигини қўрқолмайди, унинг эртанинг порлоқ келажигини бузишга уринган манкуртларнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди. Бизнинг педагогик жамоамиз ва талабаларимиз террористлар қилмишининг қаттиқ қоралашмоқда. Чунки, қора ниятди кишлар бегуноҳ одамларнинг қони тўкилишига сабаб бўлидилар. Булай разил ишларни ҳатто Оллоҳ таоло ҳам кечирмайди. Муқаддас ҳадисларимизда: "Бу дунёда одамларга қаттиқ азоб берадиган кишиларни Оллоҳ таоло қиёмат кунин қаттиқ азоблайди", дейилади.

Юртбошимиз ойнан жаҳон орқали чиқишларида қўпурвчи кимсалар, уларнинг ҳомиёлари, албатта топилиши ва халқимизга уларнинг асл қиёфаси намоён қилинишини таъкидлайдилар. Иншооллоҳ шундай бўлади ҳам. Биз эртанинг кунга ишонч билан қараймиз. Дунёвий илмларни пухта эгаллаётган ёшларимиз мустақил Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажигини албатта яратадилар. Биз бунга ишонамиз.

Турдубой БЎРИЕВ — Қарши туманидаги Бешкент шаҳрида яшовчи маҳалла фаоли:

— Ёшим етимидан ошди. Ҳаётда кўп нарсани кўрдим. Ҳатто очарчилик йилларида ҳам ҳеч ким ўз халқига хиёнат қилган эмас. Лекин яқинда юз берган портлашларнинг эшигиде, юрагим ларзага келди. Аввало, маҳалла фаоли, қолверса, кўпни қўрган муйсафиди сифатида айтишнинг мумкинлиги, булай хунрезлиқни амалга оширганлар инсонийлик қиёфасидан чиққан инсонлардир. Уларга биз кескалар лаялатлар ўқиймиз. Аммо уша малъунлар билдиб қўйишсинки, бизнинг ўзбек халқимиз тинч, осойишта, мусофиро осмонимизни қангитиб қўйишга йўл қўймайдилар. Биз кимнинг қандайлигини яхши биламиз. Маҳалламиз аҳли муҳим воқеалар ижрочилари ва ҳомиёлари қаттиқ қоралашмоқда. Шу билан бирга ҳамма жойда хушёрлиқни оширдик. Маҳалламизга келётган ҳар бир киши эътиборимиздан четда қолмайпти.

Мақсадимиз ҳаво билан суяк зарур бўлган тинчлигимизни сақлашдан иборат. Биз бутун халқимизни ҳамжиҳатлик билан иш олиб боришга, хушёр бўлишга даъват етмамиз.

Сўхбатдош: Комил САХАТОВ

Энди у қачонларидан банк нуфузидан, эътиборидан давлат бериб турган бу ҳама-матли бинига бошлиқ сифатида кириб чиқолмайд.

Ходимларга қўндалик ишни қандай ташкил этиш зарурлиги ҳақида буйруқ, қўрсатмалар бераолмайди. Негат? Бунинг сабаби шундаки, у суд тақдиротида асосан ўз вазифасидан озод этилган. Ҳўш, суд тақдиротида кўра унинг раҳбарлик лавозимидан бўшаётганига қайси ҳолат сабаб бўлди? Банк бошқарувчиси иш жараёнида да йўл қўйилган хатоларни чуқурроқ таҳлил етатдиган бўлсак, бу саволга жавоб ойдилнашарди.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда тадбиркорликка қатта эътибор берилмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки жаҳон тажрибасидан шу нараса яхши маълумки, тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланган давлат иқтисодий жиҳатдан юксак даражада кўтарилади. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг асосий воситаларидан бири эса, бу кредит бериш бўлиди. Яъни, иқтисодий кредитлар бериш, тадбиркорларга сармоя ажратиш соҳани ривожлантиришнинг асосий омил қисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 сентябрдаги 366-қарори кичик ва ўрта бизнес, деҳқон-фермер хўжалиқлари ташкил этилишини рағбатлантиришнинг қўлайтириш ҳамда уларнинг молиявий, моддий-техник ва ҳомашё ресурсларига эга бўлиш имкониятини кенгайтириш. Ҳозир тижорат банклари томонидан ажратилган мақсадли кредит маблағлари ҳам асосан юридик шахс бўлган кичик ва хусусий корхоналар ҳамда деҳқон-фермер хўжалиқларига берилмоқда.

Тадбиркорлар кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредит маблағлари билан таъминлаш негоялик муҳим масала бўлмасини, берилаётган кредит сармояларини қайтартиришнинг таъминлаш янада долзарбдир.

Очиги банклар томонидан ажратилган кредитлар ҳамма вақт ҳам хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўрнатилган муддат ва тартибда қайтарилмоқда деб бўлмайди.

рибли, даъвогарлар фойдасига 1881644 минг сўм ундирилган. 6 та ишга мувофиқ даъво талабини рад этиш бўйича қарор қабул қилинган. 13 та банкларнинг даъво аризалари бўйича иш юритиш тугатилган, 4 та иш бўйича эса даъво қўриқмасидан қолдирилган.

Самарқанд вилоят хўжалик суди томонидан ҳал этилаётган хўжалик инзолари таҳлили шунини кўрсатмоқдаки, банклар томонидан ажратилган кредит ва фойз тўловларининг шартномаларда кўрсатилган муддатларда қайтарилмасликлари ҳолатлари даъво аризаси билан муносабат этилишига сабаб бўлмоқда. Кредит ва фойз тўловларини ундириш тўғрисидаги даъво талаблари суд қарорлари асосида асосан қаноатлантирилган. Лекин шу билан бирга даъво аризаларни қаноатлантиришнинг рад этиш тўғрисида ҳам ҳал қилув қарорлари чиқаришган. Бундай қарорга келинишига қарз суммасини асосий қарздордан ундириш талаб этилмаганлиги, суғурта ташкилотлари ёки кафилидан ундириш учун асослари йўқлиги сабаб бўлган.

БАНКИР ЧЕТА ИШДАН ОЛИНДИ

Республика акциядорлик-тижорат "Ғаллабанк"нинг Самарқанд вилоят филиали Пастдорган туманидаги "Наргиза" хусусий корхонаси, қўшмача жавабгарлар "Ўзгасуғурта"нинг Самарқанд шаҳар бўлими, "Малад" суғурта агентлигини нисбатан даъво аризаси билан муносабат этиб, қарздорнинг кредит маблағидан мақсадсиз фойдаланганлигини кўрсатиб, суғурта шартномасига асосан "Ўзгасуғурта"нинг Самарқанд шаҳар бўлими ва "Малад" суғурта агентлигини 500000 сўмдан жами 1.000.000 сўмин ундиришни сўраган.

Иш ҳужжатларидан аниқланишича банк ва "Наргиза" хусусий корхонаси ўртасида 2002 йил 15 март кунин 1.000.000 сўм кредит маблағи бериш тўғрисида шартнома тузилган бўлиб, унга асосан кредит фондларини тўлаб бориш 2003 йил декабрь ойидан, кредитни қайтариш муддатини эса 2004 йил 15 мартда деб белгиланган. Суғурта шартномасининг ҳар иккаласидан ҳам суғурта ташкилотлари кредит шартномаси муддати еттидан сўнг қарздор томонидан кредит қисман ёки тўлиқ қайтарилмаганида 500.000 сўм миқдорда жавобгарлиқни зиммаларига олишган. Суд кредит шартномасининг

ровига олинган мулкка ёки кафили бўлган, кафолат берган шахсга қаратишга ҳаққидан. Бу билан кредит фонд тўловларини банкка қайтарилши жараёни самаралар қўс кетмади. Бу шунини аниқлашди, банк ўз молиявий имкониятларини янада кенгайтириб, кўпроқ деҳқон-фермер хўжалиқларининг ёки кичик ва ўрта-бизнес корхоналарини кредит маблағлари билан таъминлаш олади.

Лекин шунга қарамастан айрим банклар томонидан ажратилган қўлларда мажбурий таъминлаш усулидан унумли фойдаланмасдан ўз вазифасига эътиборлиқ билан қарши, кредит ва кафили шартномасининг расмийлигини учун ҳужжатларни тузиш ҳоллари учрамоқда. Натигада кредитни қайтариш муддатига амал қилмаган тақдирда кафилини ёки кафолат берган шахсини жавабгарликка жалб этиб бўлмайпти.

Вилоят хўжалик суди томонидан шу йил 22 январь кунин "Самдогарбанк" Пайшанба бўлимининг даъво аризалари қўриб чиқилди. Даъвогар банк Каттақўрғон туманидаги "Хавас ИУС" кичик корхонасидан 7.000.000 сўм, "Бобур" хусусий корхонасидан 10.000.000 сўм миқдорда берилган кредит шартномада кўрсатил-

Ислохот сабоқлари

ган муддатда қайтарилмаганлиги боис мажбурий равишда ундириб беришни сўраган. Ҳар иккала даъво аризасидан ҳам кафилилик шартномаси асосида кредитнинг қайтариллишида кафили бўлган Самарқанд вилоят Коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси қўшмача жавабгар сифатида жалб этилган ва асосий қарздор ҳамда кафилидан кредит бўйича қарз суммаларини мажбурий ундириш суддан талаб этилган.

Ҳужжатлардан аниқланишича, 2002 йил 20 сентябрдаги кафилилик шартномасига асосан Самарқанд вилоят Коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси Каттақўрғон туманидаги "Хавас ИУС" корхонасининг банкидан олинган 7.000.000 сўмлик кредит вақтида қайтарилмаган тақдирда жавабгарлигини ўз бўйича олган. Лекин кафилилик шартномаси кредитнинг қайтариллишини таъминлаш мақсадида тузилган бўлсада, унинг 2,1 баъзида қачон ва қайси кредит шартномасига асосан маж-

бурийт кафилилик шартномаси билан таъминланганлиги кўрсатилмаган.

Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Колексининг 292-модасига асосан кафилилик шартномаси бўйича кафили бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажарилиши учун унинг кредитори олдида жаваб беришни ўз зиммасига олади. 293-модасига асосан қарздор кафилилик билан таъминланган мажбуриятини бажармаган, ёки лозим даражада удаламаган тақдирда кафили ва қарздор кредитори олдида солидар тарзда жаваб берадилар. Шу жумладан, фондларини тўлайди, қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқишларини, қарздор мажбуриятларини бажармаганлиги туфайли кредитдор қўрган бошқа зарарларини тўлайди.

Мазкур ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Колексининг 116-модасига қўра қўнун талабларига зид равишда тузилган битим ўз ундан ҳаққиди эмас деб ҳисобланади. Шу сабабли тарafdар ўртасида тузилган кафилилик шартномаси суд томонидан ҳаққиди эмас деб топилди. Вилоят хўжалик судининг 2004 йил 22 январдаги ҳал қилув қарорига асосан даъвогар банкнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилди. Лекин кафили — вилоят

Коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси жавабгарлигини озод этилди.

Ушбу низоини суд мажлисида муҳокама этишда "Самдогарбанк" Пайшанба бўлими мазкур ҳолимлари томонидан кредит шартномаси тузишда, хусусан кафилиликдан кредит шартномаси бўйича жавабгарлигини таъминлаш усули сифатида фойдаланишда қўнун талабларига риоя этилмаганлиги, кафилилик шартномасини расмийлаштиришда этибборилмаган йўл қўйилганлиги аниқланди. Демак, банк бошқарувчиси юридик ҳужжатни имзолашда ўз корхонасининг молиявий манфаатларини ҳисобга олмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги "Хўжалик юритиш субъектларининг иқтисодий ноқурилиш ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавабгарлигини қўлайтириш тўғрисида"ги Фармонининг 2-баъзида қўра хўжалик судларига пул маблағлари ва бошқа мулкдан оқилона фойдаланмаслиқ, тўлиқ ишғолининг бажарилиш, шартнома мажбуриятларини қўриқмаслиқ ва қорхоналарнинг банкротлик ҳолатига олиб келганлиги учун шу қорхоналар раҳбарлари ва бошқа ҳолимларини эгаллаб турган даъвоимиздан озод этишга ҳаққидан таъиниш органларига тақдирномалар кўриштиш ҳуқуқи берилган. Шунга қўра "Самдогарбанк"нинг Пайшанба бўлими раҳбари ва мансуб ҳолимларини эгаллаб турган даъвоимиздан озод этиш ҳақида акциядорлик тижорат "Самдогарбанк"нинг Самарқанд вилоят бошқармасига хусусий ажрим боририлди. Натигада банкнинг Пайшанба бўлими бошқарувчиси Саъдулла Уроқов ўз хизмат вазифасини, яъни кредитлаш тартибинини қўлай равишда бузганлиги учун мазкур банк вилоят бошқармасининг 2004 йил 9 февралдаги 20-сонли буйруғи асосида ишдан бўшатилди.

Оқорисаги мулоҳазалардан қўриқиб турибдики, банк иқтисодиётнинг қон томири. У ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, бозор муносабатларини тақомиллаштиришда ҳал қилувчи таъсирга эга. Шундай экан банк бошқарувчиси унга юксатилган заифда масъулиятини чуқур англаб иш юритиши, қорхоналар ва кредитдорлар ўртасидаги муносабатларини турли йўлга бошқариб туриши лозим. Шундай у хўжалик шартномаларини бажарилишини таъминлаш, иқтисодий юксатилларга ўз улушини қўшган бўлади.

Тулпона АБДУКАРИМОВА,
Самарқанд вилоят хўжалик суди судьяси.
Зохир ТУРАҚУЛОВ,
"Адолат"нинг ўз мухбири

Замондошимиз

Абдурахмат бобо кўёшдан эрта уйғонади. Сўнг ҳали шудринглар кўчмаган сахарининг сўлим ҳавосидан тўйиб-тўйиб сипкорганча даласига ошқади. Пай-каллардаги ям-яшил бўғдойзорларга ҳавас билан термулади: “Буг-дойларинг бўлик бўлсин!” пичирлайди, бобо. Айнакча, кечаги-на плёнка остига чигит қадалган эгратлар олди-дан ўтиб бораркан, юраги бир қалқиб олади: “Ишқилиб нест-но-буд бўлмагин-да!”



Кўёшга кўшни деҳқон

Ана шунақа, тарки олат амримахол: бобо экин ерларини айланиб бўлиб, ший-понга қайтганида кўшниси — кўёш энди ёстиқдан бош кўтарётган бўлади. Бобо-си тушмагур кўшнисига-да гап қотади:

— Туринг кўшни, экинлар сизга мах-тал, — дейди у, сўнг кампирни белбоққа туғиб берган нонушталикни белидан ечиб, дастурхонмисол ёзади. Шу пайт шийпон қоровули чойнакда чой кўтариб келади.

— Раис тушмагурнинг ақли бутун, — дейди бобо. — Бир иш қилса билиб қила-ди. Бундай хомчут қилиб кўрсам хўжа-литимиз ўтган йили 37 миллион сўм соф фойда қилибди... ўттиз етти миллион-а! Яна алдаканча ошқикасиям бор.

Коровул Абдурахмат бобо бригадир-нинг сўзини бўлиб кўйишни истамаган-дек ундо қулоқ солиб ўтиради. Бобо сўзи-да давом этади:

— Мана масалан, бурноғи йил эски раис бир кило ҳам картошка етиштир-маган экан. Янги раис бўлса, буттур 70 тонна уруғлик картошка етиштирди. Га-лани ҳам 2002 йилга нисбатан 295 тонна ортириб бажарди. Яъни, 1640 тонна сара бўғдой олди. Пилладан бўлса, 14 тонна ўрнига 16 тонна топишди.

— Тўри айтасиз, — дейди қоровул ҳам. — Даромада яраша бурумад деб, бир чакирим газ қувури, яна бир чакир-им тоза ичимлик суви қувури тортир-ди... Бу гаплар айтишгада осон.

— Тунов кун ҳисобот мажлиси бўлди, — деб гапни илб кетди яна Абдурахмат бобо. — Олдийгина ижарадан нақд пул тушуриш 2002 йилда бор-йўри 780 минг сўм бўлган экан. Утган 2003 йилда бўлса бу кўрсаткич 24 миллион сўмга етибди. Уйлаб кўринг 23 мил-лион 220 минг сўм ортиги билан-а...

Холбуки, 2002 йил 202 миллион сўм зарар билан яқунланганли, мана сизга натижа! Яна бўлса ўтган 2003 йилнинг ўзида 1 та ТТЗ-80-10 юк ташувчи трактор, 2 та Т-4 ҳайдов трактори, 1 та ТТЗ-80-11 чопиқ трактори. 3 та селла, 7 та плуг олинибди. Раисимизнинг айтиши-ча янги сотиб олинган ана шу техника-лар ўтган йилнинг ўзида 20 миллион сўмлик ортиқча ҳаражати нарф бўлиб кетишининг олдини олибди. Айтгандай, у яна айтдики, ўтган йили ишга тушу-рилган макарон цехида 12 тонна макарон ишлаб чиқилиб, қишлоқдошларимиз-га арзон баҳоларда сотилибди. Яна, ана-ви ўтган йили ишга туширган ароқ заво-ди ҳам 16 миллион сўмлик фойда кел-тирганмиш.

Сўхбат шу ерга етганда узилади. Чун-ки ҳар кун эрталаб дала шийпонлари-ни кўздан кечиришни олат қилиб олган раис — Янгикўрғон туман, “Гулшан” ширкат хўжалиги раҳбари Мухторали Жўрабоев келиб қолади. “Хорма, бор бўл”дан сўнг у ҳам мана шу камтарона дастурхон атрофида чўқалайди. Ҳамма-лари дуога қўл очишади. Абдурахмат бобо тилак билдиради.

— Илоҳим, деҳқончиликка барака берсин. Умид билан қалаган уруғлари-миз нест-нобуд бўлмай уним чиқиб, мўл-кўл ҳосил берсин! Юртимиз тинч, Юрт-бошимиз омон бўлсин! Омин!

Саидолим АБДУРАХМОНОВ,
“Адолат” мухбири

СУРАТДА: бригада саркори
Абдурахмат бобо Жўрабоев чигит қадалган
пайкаларни кўздан кечирмоқда.
Муаллиф олган сурат

“ҲАМКОРБАНК” —
ҲАМКОРИНГИЗ

“Ҳамкорбанк” — Республикадаги ўрта банклар сарасига кир-ди. Банк филиалларининг сони республикада буйлаб кўпайиб бор-моқда. Шу қунарда унинг жойлардаги филиаллари 18 тага етди. Термиз шаҳрида қад ростлаган филиали ана шулардан бири ҳисобла-нади. Банкнинг филиал бошқарувчиси Ғайрат Жумаевнинг бизга сўзлаб беришича, унинг миқозлари бир йил ичидан икки юздан ортибди.

Филиал барча қулайликларга эга бўлиб миқозларга хизмат кўрсати-шининг 25 турини жорий қилган. У Сурхондарёлик тадбиркорлар-нинг ростақамига ҳамкорига айланган.

Шуниси диққатга молиқки, ўз испикбол йўлини белгилаб олган “Ҳамкорбанк”нинг филиаллари фаолият кўрсатиши муносабати бил-ан республикада 220 нафардан ортиқ малакали ходимлар иш билан таъминланди.

Халқ ишончига сазовор бўлишдан олдин тўйғу бўлмас керак. Фи-лиал ташкил бўлганига атига бир йил бўлган бўлса, у қисқа вақт ичида юртдошларнинг ишончини қозониб, ўзига пойдевор яратди.

— Хизмат кўрсатишнинг жаҳон андозлари доирасидаги илгор иш услубларини жорий этганми. Бугун кечагидан самарали хизмат қилиш, муҳтарам Юртбошимиз айтганларидек, халқимиз дардида дармон бўлишдек, улут тўйғу билан хизмат кўрсатмоқдамиз. Зеро, халқимиз ва миллатимиз, юртимиз манфаатлари йўлида яхши ниятларимизни дилимизда тукканми, — дейди “Ҳамкорбанк”нинг Термиз филиали бошқарувчиси Ғайрат Жумаев.

— Ким нимани экса шунини ўради, деб бекорга айтмаган халқимиз. Яхши ниятларимиз бугун Оллоҳ таоло ижобатида.

Банклар истиқболли юрт фаровонлиги. Миқозлар манфаати тарақ-қиёт омили ҳисобланади.

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,
“Адолат” мухбири



Жиноят ишлари бўйича Арнасой туман суди ра-иси Абдуҳаким Худойбердиев ўз касбини жон ди-лидан севадиган инсонларнинг бири. У мазкур соҳада қизгин фаолият кўрсатиб, инсонлар тақ-дири ва одамларнинг ҳаёт моматини ҳал этишда адолатга суяниб иш кўрмоқда. Қонуи устуворли-гини таъминлаш учун курашапти. Ўз наъбатда ҳар қандай жиноят учун жазо муқаррарлигини ўзи-нинг қабулида бўлган фуқароларга астойдил ту-шунтирмоқда.

СУРАТДА: туман суди раиси Абдуҳаким Худой-бердиев суд мутахассислари билан қилинган иш-ларни таҳлил этаяпти.

Қозим УЛМАСОВ олган сурат

Бошланғич партия ташкилотларида

Ўтган йили бошланғич партия ташки-лотлари аъзолари Андижон шаҳридаги бир қатор корхоналарга, маҳалла ва ўқув юр-тиларига чиқиб “Адолат” социал-демок-ратик партиясининг мақсад ва вазифа-ларини кенг тарғиб этишди. “Ватанпарвар” жаҳиятида ўтказилган ана шундай тадбир-да бу ерда меҳнат қилаётган 9 нафар киши “Адолат” социал-демократик партиясига аъзо бўлиш истагини билдиришди ва улар-нинг хоҳишлари амалга ошди.

— Корхонамизда шундай бошланғич ташкилот тузилади, — деди Иброҳимжон Умаров. — Менга ишонаверинг.

— Ўтган ойда меҳнат ярмаркаси ўтказ-дик, — дейди Насибхон, — Унда 152 киши ишга йўланма олди. Биз йўланма олган-лар тақдирини бефарқ қарамайми. Маъ-лум бўлишича, 137 киши ўша йўланма бўйича меҳнат қилмоқда. Бу ёмон кўрсат-кич эмас. Биз деярли ҳар ойда ана шундай ярмаркалар ўтказиб бораёلمиз. Бундан таш-

МАҚСАДЛАР
МУШТАРАК

Яқинда шўбага иш билан келган Ан-дижон шаҳридаги иккиламчи қора металл шўба корхонасининг бошлиғи Иброҳим-жон Умаров Насибхон билан сўхбатда “Адолат” социал-демократик партиясига нисбатан қизиқиши ортганини айтди. Бош-ланғич партия ташкилотли котиби унга партия ўз олдига қўйган улкан вазифалар, унинг раҳбарлари ҳақида эринмай гапириб берди.

— Мен ҳам “Адолат” партиясига аъзо бўла оламани, — сўради Умаров.

— Албатта, — деди Насибхон жиддий оҳангда. — Корхонамизда 50 дан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Улардан партиямизга лаёқатли кишиларни қабул қилиб, бошланғич ташкилот тузиш мум-кин.

қари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилувчи яна ўнлаб тадбирлар ўтказмоқдамиз. Айтмоқ-чиманки, шўбамиз иши партиямиз фао-лияти билан муштарак — инсонни ижти-моий ҳимоя қилишга қаратилган.

Насибхон билан сўхбатлашганда пайтимида қанага Наргиза Аҳмаджонова ки-риб, партияга номзодларини қабулга тайёр-лаш ҳужжатларини кўрсатди. “Адолат”нинг бўлажак аъзолари шўбада фаол меҳнат қилаётган ёшлар — электрон ҳисоблаш шир-насини операторлари Насибхон Қорабо-ева ва Жамшидбек Бурхонвалар экан.

Котиба мамнун қилмайдми. Зеро, у партияга қабул қилинаётган бу ёшларнинг “Адолат”га муносабатига шўба қилмасди.

Тўқтин СИДИҚ,
“Адолат” мухбири

Кимгадир кераксиз матоҳ бўлиб туюлган нарса кимнингдир бой-лик орттириш манбаига айланиши мумкинми? Янгийўллик тадбир-кор Аваз Қосимовни яхши билганлар, у бошқараётган “Авесто Шамс” ишлаб чиқариш фирмасининг имкониятиларидан хабардор бўлган-лар бу саволга ҳеч иккиланмай ҳа, мумкин, дея жавоб беришади.

Чиккидиларни қайта ишлаб унга ҳаёт ба-ғишлаётган, яъни, бозори қаққон, чет элни-кидан деярли қолишмайдиган, замонавий та-лабларга тўла жавоб берадиган маҳсулотларга айлантираётган фирма жамоасининг ютуқла-ри мамлакатимизда яна бир тармоқни шакл-ланишига катта йўл очди. Атроф-муҳит му-саффолигини таъминлашда, табиатни муҳо-фаза қилишда янги имконият юзга келди.

— Аваз Қосимов “Авесто Шамс” ишлаб чиқариш фирмасига моҳирлик билан раҳбар-лик қилиб, жамоанинг ютуқларини тобора бойитиб бораёпти, — дейди Тошкент вилоят-ти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Турғун ака Эргашев у ҳақда мамнуният бил-лан гапириб. — Иккиламчи полимер хом-аш-ёларни, яъни, пластмасса, полиэтилен чиқин-диларини қайта ишлаб, халқ хўжалиги учун зарур бўлган маҳсулотларни тайёрлашга, бу билан Янгийўл шаҳри ва унинг атрофида-ги туманларнинг экологик ҳолатлари бирмун-ча яхшиланмоқда. Ўтган йили бу фирманинг бир гуруҳ ишчиларини атроф-муҳитни муҳо-фаза қилишда, табиатни асраб-авайлашда-ги, об-ҳаво тозаллигини сақлашдаги ишлари-ни муносиб тақдирлаб, жамия юз минг сўм пул мукофоти билан рағбатлантирдик. Қўми-тамиз томонидан ўз меҳнатларига бўлган бун-дай жиддий эътибор иккиламчи полимер хом-ашёларни қайта ишловчиларни янада унумли меҳнат қилишга руҳлантириб юборди.

Ён-атрофимиздагиларни кўрганда беихтиёр уларнинг ютуғи, яшаш тарзи, жамиятга кел-тираётган нафига ҳавасимиз келади. Ахир бахт ҳеч қачон осмондан ёғилган эмас. Бунинг учун меҳнат қилиш, изланиш, интилиш, обрў-мар-табанинг машаққатли йўлларини босиб ўтиш керак. Буни тадбиркор Аваз Қосимов ҳаётда кўп бор қузатган. Аввало унинг бундан бир неча йил аввал бошлаган саяё-ҳаракатлари зое кетмади. Бугунги ёруғ қунарда қўзи ет-ганидан тевароғига йнгилди, уни қўллаб-қув-ватлаган кичик жамоанинг орзу-умидлари юзга чиқди. Қолаверса, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва “ЭКОСАН” жамгармаси-нинг мадда билан иккиламчи полимер хом-ашёларни, яъни чиккидиларни қайта ишлай-диган мазкур фирмани барпо этди. Аввалги бир маротаба ишлатилган, фойдаланишга яроқсиз идишлар, целлофан халталардан кор-хона мева-сабзавот маҳсулотлари ҳамда идиш-лар учун турли ҳажмдаги рўзгорбор кўтилар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Шу тарзда иш қўламлигини кенгайтириб, бугунги кун-даги макенга эришди. Ҳозир фирмада чи-қиндилар қайта ишланиб, турли яшиқлардан ташқари диаметри 40 миллиметрдан 160 ми-лиметрчага бўлган ҳажмдаги полимер қувур-лар, Аскадаги автозавода ишлаб чиқарилаёт-ган машиналар учун айрим деталлар ва бо-шқа маҳсулотлар тайёрланмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида бу ерда ишлаб чиқариш

ҳажми 75 миллион сўмликни ташкил этди. Ёки 2002 йилдаги нисбатан 1,5 баробар ор-ти. Кўшни Қогозистон ва Қирғизистон дав-латларига ўз маҳсулотларини экспорт қилган фирма Ўзбекистонга 23,5 минг АҚШ дол-лари миқдорда чет эл валютасини олиб кирди.

— Кўпчилик тадбиркорни ушдабурон, иш-нинг кўзини билувчи, ташаббускор инсон си-фатида билади, тадбиркорликнинг ривожини жамият ривожининг асосий омили ҳисоблай-ди, — дейди янгийўллик тадбиркор, “Авесто Шамс” ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Аваз Қосимов ўз мулоҳазаларини биз билан баҳам кўрар экан. — Айримлар эса “тадбиркор” де-ганда пулни-пулга уриб бойлик орттирувчи ким-саларни тушунса, бошқалар бозорда товарни бир жойдан олиб, иккинчи жойда икки-уч ҳис-


яшашга интилувчи кишилар “олиб-сотар”, “чайқовчи”, “техинхўр” кимсалар сифатида таҳқирлаб келинди. Энг “халқчил” деб жар солинадиган қонунларда тадбирли кишилар учун қатъий жавобгарлик чоралари белгилан-ди, қувғин қилинди. Аммо, ота-боболаримиз қонидан ўтган бу хислатни одамлар қалбидан сугуриб ташлашга мустамакачилик даврининг бир асрдан зиёд вақти етмади.

Мустақиллик туфайли тадбиркорликка кенг йўл очилди. Тадбиркорликни ривожлантириш жамия-ят фаровонлигини таъминлашнинг асосий оми-ли, иқтисодиётни кўтаришнинг зарур шарти си-фатида баҳоланмоқда.

Юртбошимиз айтганидек, тарихнинг қайси даврини олмайлик, хонлар ва амирлар эмас, амалдор туралар ва турли-туман текширувчи-лар эмас, балки ғайрат-шижоатли, ташаббус-кор ва тадбиркор инсонлар мамлакатнинг гул-лаб-яшнаши ва халқ фаровонлигини таъмин-

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА

иккиламчи полимер хом-ашёларни қайта ишлаётган Янгийўл шаҳридаги
“Авесто Шамс” ишлаб чиқариш фирмасини бугун кўпчилик шундай эътироф этмоқда



сага пуловчи “олиб сотарлар”ни тушунади-лар. Баъзи кимсалар тадбиркорга жиноятга мой-ил, қонуиёз йўлдан билан пул топувчи “чайқо-вчи” сифатида қарайдилар. Аслида ота-боболар-имиз тадбиркорни жамиятнинг энг илгор, тад-бирли, ишнинг кўзини билувчи, доно ва ко-мил аъзолари сифатида билиб, доимо қўллаб-келганлар. Шу ўринда соҳибқирон бобокало-ниниз Амир Турмунинг “Ишбилармон, мард-лик ва шижоат соҳиб бўлган, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан афзалдир”, де-ган ҳикматли сўзлари бугунги кунимиз учун ҳам ўринли ва долзарбдир.

Шулар даражасида мустамакачилик сиёса-тини тақомиллаштириш мақсадида инсонлар-даги ташаббускорлик, омиқкорлик ва тадбир-корлик руҳини йўқ қилишга ва ақсича “ўзи-бўларчилик”, “тадбирсизлик”, “манкуртлик” кайфиятларини рағбатлантиришга ҳаракат қилинди. Ишбилармон, тадбирли ва яхши

лаганини кўраимиз...

Дарҳақиқат шундай: ғайрат-шижоатли, та-шаббускор ва тадбиркор замонашларимиз-нинг мардонавор меҳнатлари эвазига юртим-из гуллаб-яшнаб бормоқда. Жонажон Ўзе-бекистонимизнинг иқтисодий салоҳияти орта-япти. Шундай улут ишларда Аваз Қосимов раҳбарлик қилаётган ишлаб-чиқариш фир-масининг ҳам оз бўлсада ҳиссаси борлигини ўйласанг кўнглинг тоғдек кўтарилади. Ахир ўзбек тадбиркори бу қадар меҳнат қилиб қачон барака топаган, қосаи оқариб бири икки бўлган. Аваз Қосимовга мустақиллик, истиқлол шундай имкониятнинг берди. Кичик бир жамоанинг катта ишларига кенг йўл очди. Ҳозир фирмада ўзига ўндан зиёд ёшларни билаштирган тикувчилик цехи иш-лаб турибди. Унда маҳаллий ёшлар замона-вий тикув машиналарини моҳирлик билан ишлатиб, ҳар хил кийим-кечаклар ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқармоқдалар. Улар-



катта наф келтирмоқда. Шу билан бирга-ликда табиатни муҳофаза қилишда, тоза, экологик муҳитни таъминлашда катта наф келтираёпти. Энг муҳими, фирма раҳбари Аваз Қосимов шу ерда фаолият кўрсатиб, ўзининг ризқи-насибасини топаётган, ҳалол меҳнати билан рўзгорини тебатиб, оиласи-га қўт-барака киритаётган 50 нафардан зиёд ишчининг дуосини олиб, савобга қолаёпти. Ҳаммага бирдек меҳр-мурувват кўрсатаёпти. Шаҳардаги кўпдан-кўп тадбирларга бош қўшмоқда.

Шундай катта ишларнинг бошида турган тадбиркор Аваз Қосимов бугун сиёсат май-дониди ҳам тилга тушган. У 1998 йилдан буён Ўзбекистон “Адолат” СДП аъзоси ва Янгийўл шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби ҳамдир. Партиянинг халқ орасидаги обрў-эътиборини оширишга биринчи котиб ало-ҳида аҳамият бермоқда. Партия ташкилотла-рини мустақамлаш, аъзолар сафини кенгай-тириш учун куч-ғайратини аямаяпти.

— Аваз Қосимов саркор сифатида фаол иш олиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент вилоят Кенгаши-нинг иккинчи котиби Абдукарим Абдураи-мов биз билан сўхбатда. — Ўзининг били-ми, тажрибасини ишга солиб, атрофидаги бошланғич партия ташкилотларига суянган ҳолда халқ орасига чуқурроқ кириб бормоқда ва кўплаб оммавий тадбирларни ўтказиб, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга ало-ҳида эътибор қаратаёпти.

Албатта, бошланғич ташкилот — ҳар қан-дай сиёсий партиянинг таянчи ҳисобланади. Қаердаки, шундай ташкилотлар кўп тузилса, ўша ерда ишлар унумли бўлиши муқаррар. Бундай ташкилотларни тузиш Янгийўл ша-ҳар партия Кенгаши томонидан ҳам изчил олиб борилаётган. Биргина факт: агар шаҳар партия ташкилоти тузилган дастлабки йил-ларда партия аъзолари сони бармоқ билан санарли даражада оз бўлган бўлса, ҳозирга келиб улар 300 нафардан ортиб кетган. Бош-ланғич партия ташкилотларининг ўзи эса 20 талдан кўп.

Партияга аъзолик — фидойилиқдир. Кимдир ҳозир у ёки бу партия менга нима берди, деб ҳар солаётган бир пайтда шундай фидойи инсонларнинг борлигидан кўнгли таскин топади. Ҳаёт яхшилар ҳисобига да-вом этаверди. Энг муҳими эса инсоннинг ҳаётдан ўзининг муносиб ўрнини топиши. Аваз Қосимов бунга эришган. Зеро, инсон-нинг бахти ҳам шунда: элим деб, юртим деб ёниб яшашда.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
“Адолат” мухбири

СУРАТЛАРДА: фирма раҳбари, Янгийўл шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби Аваз Қосимов; фирма жамоасининг қайноқ иш жараёндаридан лавҳалар Қозим УЛМАСОВ олган суратлар

Ножўя иш — келтирар ташвиш



Асқар ЖАЛИЛОВ.
(Давоми бор.)

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

● Муаллиф фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. ● Реклама ва эълонлар ҳаққонийлиги учун буюртма берувчи масъулдир. ● «Адолат»дан кўчириб босиб фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади. ● Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади. ● Газетанинг сифатли босилишига босмахона масъул. ● Кўлөзмалар эгаларига қайтарилмайди ва жавоб берилмайди.